Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 208 (6. 399) ◉ 1987 йил 12 сентябрь, шанба ◉ Баҳоси 3 тийин

## Буюртма бажарилди

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг экспорт бўлимида ер юзидаги бир қатор мамлакатлардан олинаётган буюртмалар қандай бажарилаётганлиги назорат қилинади.

**Бўлимдаги картада экспорт ишлари яққол акс эттирилган. Унда Тошкент шаҳридан кўпгина мамлакатлар томон тортилган чизиқлар корхона маҳсулотлари кўплаб жойларга етиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.**

Бугун

**корхона машинасозлари Афғонистон Демократик Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Туркия, Эрон буюртмаларини бажаришди. Завод коллективи Танзанияга ҳам пахта тозалагич ва сеялкалар жўнатди. Бундан ташқари, коллектив ҳар ойда 350 та ана шундай машина ва эҳтиёт қисмларни республикамиз колхоз ва совхозларига жўнатмоқда.**

## Муносиб совға

Энгельс кўчасида яна бир осмонўпар бино қад кўтара бошлади. Бу 16 қаватли 124 квартирали турар жой биноси бўлиб, унинг биринчи қаватида иккита магазин жойлашади. Бири «Чой» ва иккинчиси мева шарбатлари ва тотли ичимликлар билан савдо қиладиган магазиндир.

**Бинокорлик ишларини «Главташкентстрой»га қарашли 11 — «Висотстрой» тресги қурилиш монтаж бошқармасининг коммунист Асқар Шофайзиев етакчилик қилаётган комплекс бригада аъзолари олиб боришмоқда.**

**Коллективнинг 39 нафар аъзоси бир неча касбни ўзлаштириб олган. Бу бригадада ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш имконини бермоқда. Натижада бригада август ойи топшириқларини муддатидан олдин бажарди.**

## Жонкуяр йигирувчи

Инсон меҳнати билан гўзаллик яратади. Шу меҳнат самараси туфайли у бахт ва қувонч нашидасини суради, кишилар ҳурматига сазовор бўлади. Бундай кишилар орасига арқоқ йигирув цехининг йигирувчиси Дилбар Қосимовани олиш мумкин. У роппа-роса ўн йилдирки шу цехда меҳнат қилиб келади.

**— Дилбар Қосимова тўқимачилик комбинати илғор тўқувчиларидан бири, — дейди комбинат партия секретари У. Султонова. — Унинг ўз ишига талабчанлиги ва тиришқоқлиги коллектив ўртасида обрў-эътиборини оширди. Ҳозир 1180 урчуқ ўрнига 1344 урчуққа хизмат кўрсатмоқда. Бу тиниб-тинчимас қизни ҳамиша бирор иш устида учратасиз. У цех партия группаси ташкилотчиси, комбинат партком аъзоси. Дилбар санъат соҳиби ҳамдир. У тўқимачилар маданият саройи қатнашчиси. Ўзининг рақслари билан Болгария Халқ Республикасининг 39 йиллигида иштирок этиб, Хасково округининг фахрий ёрлиғини олишга муяссар бўлди.**

**Шу кунларда бу илғор ишчи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига ўтказилаётган меҳнат беллашувида актив қатнашиб, ойлик топшириқни муддатидан олдин бажармоқда.**

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 10 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида ҳосилни йиғиштириб олишни тезроқ тугаллаш ҳамда колхозлар, совхозларни ва агросаноат комплексининг бошқа корхоналарини қишга тайёрлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Муҳокама пайтида Озиқ-овқат проблемасининг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан ҳозирги қишлоқ хўжалик йилининг натижалари билан белгиланиши таъкидлаб ўтилди.

Ҳосилни йиғиштириб олиш мураккаб об-ҳаво шароитларида ўтмоқда, бироқ кўпгина партия комитетлари ,совет ва хўжалик органлари вазиятнинг кескинлигини ҳамиша ҳам муносиб равишда баҳоламаяптилар, кузги дала ишларининг, чорвачиликни қишловга тайёрлаш тадбирларининг бутун комплексини ниҳоясига етказиш юзасидан узил-кесил чора-тадбирларни кўрмаяптилар. Бир қанча автоном республикалар, ўлка ва областларда донли экинлар, картошка ва бошқа кечки экинлар ҳосилини йиғиштириб олиш суръатлари паст, давлат ресурсларини тўлдиришда, аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашда, жамоат чорвачилигини ўз жойида етиштирилган ем-хашак билан қондиришда сусткашлик қилинмоқда. Фермаларни қишга тайёрлаш омборхоналар, қайта ишлаш корхоналарини қуриш қониқарсиз амалга оширилмоқда.

Қабул этилган қарорда кузги дала ишларини тугаллаш ва қишга тайёргарлик соҳасида вужудга келган вазият жуда тиғиз, деб баҳоланади. Барча партия, совет ва хўжалик органлари, саноат, қурилиш, транспорт ташкилотлари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлар аҳволни жуда қисқа муддатда яхшилик сари ўзгартиришни таъминлайдиган узил-кесил чора-тадбирларни зудлик билан кўришлари кераклиги қарорда таъкидланади.

Қандолат ва нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кооперативлар тузиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу кооперативлар аҳолининг шу турдаги хилма-хил ва юқори сифатли маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўла-тўкис қондиришга кўмаклашишлари лозим. Бундай кооперативлар халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг бошқармалари, кондитер ва нон ёпиш саноати, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотлари ҳузурида, Центросоюз системасида тузилиши мумкин, бу корхона ва ташкилотларга мазкур кооперативларга ишда ҳар томонлама ёрдам бериш топширилди. Кооперативларнинг фаолиятига хўжалик мустақиллиги, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш принциплари асос қилиб олинди.

Сиёсий бюро Москва аҳолисига кўрсатилаётган медицина хизматининг сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш муассасалари ишини такомиллаштириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масалага оид қарорида амбулатория —поликлиника ва касалхона муассасаларини қуриш ҳамда ташкил этиш, даволаш — диагностика ва ихтисослаштирилган диагностика марказларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасаларини барпо этиш юзасидан 1995 йилгача бажариладиган топшириқлар белгилаб берилди. Касалликларнинг олдини олиш уларга диагноз қўйиш ва даволашнинг янги усулларини практикага тезроқ жорий этиш, давлат санитария назоратининг самарадорлигини ошириш, санитария-эпидемиология хизматининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилади. Пойтахт даволаш-профилактика муассасалари ходимларининг социал-маиший шароитларини яхшилашга оид бир қанча тадбирлар ҳам белгиланди.

Сиёсий бюро 1987 йил августида Жануби-Шарқий темир йўл Каменская станциясида поездлар ҳалокатининг сабабларини текширувчи ҳукумат комиссиясининг ахборотини кўриб чиқди. Текширишнинг кўрсатишича, шу темир йўл баъзи ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришга жиноятkorona совуққонлик билан қараганлиги оқибатида ҳалокат содир бўлган. Тормоз системаси қисман ўчирилган юк поезди сафарга жўнатилганлиги электровознинг пассажир поездига урилиб кетишига бевосита сабаб бўлди. Фалокат натижасида кўп киши қурбон бўлган. Сиёсий бюро азият чеккан кишиларнинг қариндошлари ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик билдирди, давлат томонидан уларга зарур ёрдам берилди.

Фалокат факти юзасидан СССР Прокуратураси жиноий иш қўзғади. Жануби—Шарқий темир йўл бошлиғи А. С. Голиусов ишдан олинди. Темир йўллар министрлиги вагон хўжалиги Бош бошқармасининг бошлиғи С. С. Барбарич лавозимидан бўшатилди ва партиявий жавобгарликка тортилди. СССР темир йўллар министрининг ўринбосари — ҳаракат хавфсизлиги бош ревизори С. И. Соловьев ва локомотив хўжалиги бош бошқармасининг бошлиғи П. И. Кельперис партиявий йўл билан қаттиқ жазоландилар.

СССР Темир йўллар министрлигининг коллегиясига транспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни сақлашда қаттиқ тартиб ўрнатиш, темир йўллардан техникавий фойдаланиш қоидаларини оғишмай бажариш учун темир йўллар, бўлимлар, ревизорлар аппарати бошлиқларининг ҳамда бошқа бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш таклиф қилинди. Поездларнинг ҳаракат хавфсизлигини кучайтиришга оид бошқа чора-тадбирлар ҳам белгиланди.

Сиёсий бюро Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари марказий комитетлари иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи секретарларининг Софиядаги кенгаши якунларини муҳокама қилди ва КПСС делегациясининг шу кенгашдаги фаолиятини маъқуллади. Кенгашнинг иши социалистик иқтисодий интеграция механизмини ва ЎИЁК фаолиятини қайта қуриш юзасидан кенгашга аъзо бўлган мамлакатлар қардош партиялари раҳбарларининг 1986 йил ноябрида Москвада бўлиб ўтган амалий учрашувида айтилган аниқ-равшан чора-тадбирларни ишлаб чиқишни жадаллаштиришга ёрдам берди. Кенгашда экономикага ва ташқи иқтисодий фаолиятга партиявий раҳбарлик масалалари юзасидан ўтказилган фикрлашув фойдали эканлиги қайд этилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партия билан давлатнинг иқтисодий, социал ва ташқи сиёсатига оид бошқа бир қанча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида республикада рус тилини ўрганишни яхшилаш масаласини кўриб чиқди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ССРда икки тилли — миллий — рус тили интернационал принципи мустаҳкам қарор топганлиги таъкидланди. Маҳаллий миллатларга мансуб кўп кишилар учун рус тили иккинчи она тили бўлиб қолди. Ўзбек ва рус тилларида ўқитилаётган аралаш мактаблар сони кўпаймоқда.

Ҳозирги шароитда маҳаллий аҳолининг миллатлараро муомала воситаси сифатида рус тилини янада пухтароқ эгаллаш эҳтиёжи қонуний тарзда ўсиб бормоқда.

Аммо миллий умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, айниқса қишлоқ жойлардаги шундай мактаблар ва билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг кўпчилик ўқувчилари ва битирувчилари рус тилини ҳали пухта билмайдилар. Бу эса маҳаллий миллатлардан, айниқса республикадан ташқарида яшаётган шундай миллатлар вакилларидан юксак малакали ишчилар, мутахассислар тайёрлаш вазифасини муваффақиятли ҳал этишга имкон бермаяпти, Совет Армияси сафларида хизмат қилишни қийинлаштиряпти. Миллий мактабларда рус тили ўқитишнинг назарияси, методикаси ва практикасининг актуал проблемаларига етарли эътибор берилмаётганлиги, ўқув юртлари моддий-техника базасининг заифлиги, ўқитувчи кадрлар тайёрлашдаги жиддий камчиликлар бунинг асосий сабабларидир. Маҳаллий аҳолига мансуб катта ёшдаги кишиларга рус тилини ўргатиш системаси таркиб топмади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси: республика аҳолисининг рус тилини ўрганиш эҳтиёжи тобора ўсиб бораётганлигини янада тўлароқ қондириш учун аниқ мақсадга қаратилган «Рус тили» комплекс программасини тасдиқлади. Мазкур программада проблемалар, уларни ҳал этиш йўллари, болалар боғчасидан тортиб то меҳнат коллективигача — республика аҳолисининг турли категориялари, шунингдек партия, совет ва хўжалик активларига рус тилини ўқитиш ва ўргатишни такомиллаштириш юзасидан амалий тадбирлар ўз ифодасини топди.

Рус тили ўқитувчилари тайёрлашни бир нечта педагогика институтларида уюштириб, уларда энг яхши профессор-ўқитувчи кадрларни жамлаш, бу институтларнинг ўқув-материал базасини мустаҳкамлаш белгиланди. Ўқув планлари ва программалари, дарсликлар ва ўқув-кўргазмали воситаларни такомиллаштириш назарда тутилди.

Олий малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлаш юзасидан тадбирлар белгиланди. Рус тилини ўрганишни мувофиқлаштириб туриш юзасидан республика ягона илмий-методика марказини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетлари, Фанлар академияси, республика министрликлари ва идораларига аниқ мақсад кўзда тутилган «Рус тили» комплекс программасини сўзсиз бажариш, бу программада белгиланган чораларни ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш юзасидан тадбирларни амалга ошириш таклиф этилди. Область, шаҳар, район партия комитетларига мазкур программа бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш чораларини кўриш топширилди.

Айни вақтда ўзбек, қорақалпоқ ва бошқа миллий тилларни ўрганишда жиддий камчиликлар борлиги қайд этилди. Барча ўқув юртларида мазкур тилларни ўқитиш сифати анча пасайди. Дарсликлар, ўқув планлари, программалар, ўқитиш методикаси замонавий талабларга жавоб бермайди, буларнинг айримлари эскириб қолган материаллар асосида тузилган. Ўзбек, қорақалпоқ тиллари, бошқа миллий тиллар ва рус тилининг бир-бирига таъсирига доир актуал проблемалар ишлаб чиқарилмаяпти. Ўзбек тилини ўқув юртларида, меҳнат коллективларида ва мустақил ўрганиш истагини изҳор қилган, маҳаллий миллатга мансуб бўлмаган кишиларга шу тилни ўқитишнинг ягона программалари йўқ, шу мақсадга қаратилган мустақил ўрганиш китоблари, оғзаки сўзлашув қўлланмалари, луғатлар нашр этилмаяпти. Миллий тилларни интенсив ўрганишнинг замонавий методларига эътибор берилмаяпти.

Ўзбек тили ва бошқа миллий тилларни ўрганишни янада яхшилаш тадбирлари белгиланди. Кўриб чиқилган проблемалар юзасидан илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш, икки ва уч тилли изоҳли луғатлар, ўқув-методика қўлланмалари нашр этишни кенгайтириш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш кўзда тутилди. Миллий тилни ўрганиш истагини билдирган кишилар учун курслар ва тўгараклар очилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленумининг «Партиянинг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш соҳасидаги вазифалари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан ташкилий-сиёсий ва пропаганда тадбирларини тасдиқлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленуми қатнашчилари айтган таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни амалга ошириш юзасидан тадбирлар плани ҳам тасдиқланди.

Партия турмуши, республика иқтисодий ва социал тараққиётининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

## Замондошимиз



# Ҳаёт фидойиси

**Ўзбек аёлининг бугунги камоли ҳур диёримизда хотин-қизларнинг барча ғамхўрликлар билан қамраб олинганлигини кўрсатиб турибди. Буюк инқилоб шарофати туфайли ана шундай катта ўзгаришларга эришилди. Октябрь революциясигача фақат орзу бўлган мақсадлар юзага чиқди. Хотин-қизлар ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида матонат ва фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар. Ўқишда, ишда ва ҳаётда фаол эканликларини намойиш этмоқдалар. Бир сўз билан айтганда бугунги кунда хотин-қизларнинг роли халқ хўжалигининг ҳар бир соҳасида кўзга ташланиб турибди.**

**Фарида Ортиқова ҳам жамиятимизнинг ана шундай етук аёлларидан бири. У 26 йилдирки, «Ташхимсельмаш» заводида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Ишга ижодий муносабатда бўлиши, зиммасига юклатилган топшириқларни муваффақиятли адо этиши билан кўпчилик ҳамкасбларидан ажралиб турадиган бу моҳир прессловчини бундан бир неча йил илгари завод маъмурияти бригадир этиб сайлаганди. Ўзига билдирилган ишончни Фарида Тўйчиевна меҳнати билан оқламоқда. Коллективда ишлаётган ҳар бир прессловчини қайта қуриш ва жадаллаштиришдек долзарб вазифаларни амалга оширишда активлик кўрсатишга даъват этаётир.**

**Бу бежиз эмас, албатта. Давр белгилаб берган янги вазифалар одамларнинг ишга муносабатини тубдан ўзгартирди. Ҳар бир соҳада янгичасига ишлаб, меҳнат қилиш зарурлигини кўрсатиб берди. Бу ҳаётий талаблар асосида ўз ишларини қайта қураётган коллектив аъзолари айни кунларда сифат ва самарадорлик учун курашда салмоқли натижаларга эришмоқдалар.**

**Бунда айниқса Фарида Ортиқованинг ташаббускорлиги катта иш бераётир. У биринчилар қатори Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейини йиллик планни бажариш билан кутиб олишга аҳд қилган эди. Айни кунларда моҳир прессловчи кўзлаган маррасини эгаллаш арафасида турибди. У бошқараётган коллективнинг бошқа ишчилари ҳисобида ҳам мана шундай қувончли натижалар қайд этилмоқда.**

**СУРАТДА: Фарида Тўйчиевна Ортиқова.**

**Т. Каримов фотоси.**

Ягона сиёсий кун

# Қайта қуриш—давр талаби

11 сентябрда Ўзбекистонда Ягона сиёсий кун ўтказилди. У область, шаҳар, район партия комитетлари ишлаб чиққан мавзуга мувофиқ ўтди.

Докладчилар саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, илмий муассасалар ва ўқув юртлари коллективлари, аҳоли истиқомат жойларида бўлиб, жамиятимиз ҳаётини революцион қайта қуриш босқичида КПСС ва Совет давлати ички ва ташқи сиёсатининг муҳим проблемалари тўғрисида гапирдилар, КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш борасидаги иш натижаларини таҳлил қилдилар.

Ўзбекистон пойтахти коллективларида «Изчил интернационализм — замон тақозосидир» деган мавзуда суҳбатлар бўлиб ўтди. Партия ўтказаётган ленинча миллий сиёсат Советлар мамлакати миллат ва элатларининг чинакам равнақ топиши ва бир-бирига яқинлашишига ёрдам бермоқда, у социал тенглик принциплари асосига қурилмоқда, деб таъкидланди. Шу билан бирга мамлакатда миллатлараро муомала воситаси бўлмиш рус тилини ўрганишни такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Сирдарё областида қилинган докладлар «Уй-жой программаси — умумхалқ ишидир» деган мавзуга бағишланди. Навқирон шаҳарни ривожлантириш проблемалари Навоийдаги сиёсий кун қатнашчиларининг диққат-марказида бўлди. Тошкент область, Калинин районида ўтган Ягона сиёсий кунда меҳнат коллективидаги маънавий-психологик иқлим мавзу қилиб олинди.

Республикадаги Ягона сиёсий кунда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни яхшилаш, экономикани бошқаришни такомиллаштириш, қишлоқ меҳнаткашларини етиштирилган пахта ҳосилини муваффақиятли териб олишга сафарбар этиш билан боғлиқ масалалар ўртага қўйилди.

Сиёсий куннинг мавзуи қандай бўлмасин, у мароқли ўтди, фактларга холис баҳо берилди. Социал-маиший соҳадаги ҳамон мавжуд камчиликлар ва нуқсонлар очиб ташланди, уларга barҳам бериш йўллари белгиланди. Меҳнат коллективларининг вакиллари иқтисодий имкониятлардан янада самарали фойдаланишга эришамиз, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини янги-янги ютуқлар билан кутиб оламиз, деб ваъда бердилар. Докладчилар тингловчилар берган кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтардилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва аъзолигига кандидатлар, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, сайлаб қўйиладиган бошқа партия органларининг аъзолари, совет, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, хўжалик раҳбарлари меҳнат коллективлари ҳузурида сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

# Кам заҳарли дефолиант

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида яратилган учинчи туркумдаги дефолиант модда жаҳондаги энг яхши намуналар даражасидадир. Дефолиант авторлари — химия фанлари кандидати М. Махаматхонов, катта илмий ходим Я. Раҳмонзода ва бошқалар уни «Геметрел» деб атадилар.

Янги препарат барг тўкишдан ташқари, ўсишни тезлатиш хоссасига ҳам эга. Шунинг учун ҳам бундай модда пуркалган кўсаклар пишиб етилиб, очилаверади, бу эса етиштирилган бутун ҳосилни териб олишга имкон беради.

Препарат ўзининг самарадорлиги жиҳатидан ҳозир ишлатилаётган магний хлоратдан анча устун туради. Унинг заҳари оз, дори сепилгандан кейин 6 кун ўтгач барглар тўкила бошлайди, 9 кунга борганда ғўзанинг жами барги тўкилиб бўлади. Барг қуриб эмас, кўклигича тўкилади, бунинг аҳамияти катта, чунки пахта машинада терилганда кўп ифлосланмайди.

**(ЎзТАГ).**

# Олим номидаги маҳаллада

Шу ойда машҳур ўзбек совет геологи, олими, давлат ва жамоат арбоби, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев туғилган куннинг 75 йиллиги нишонланади.

Шаҳримизнинг Акмал Икромов районида жойлашган Ҳ. Абдуллаев номидаги маҳаллада шу санага бағишланган маросим бўлиб ўтди. Маҳалла комитетининг раиси, геология-минералогия фанлари кандидати А. Исломов академик Ҳ. М. Абдуллаевга бағишланган кечани очиб, бу ерга олимнинг дўстлари, ўртоқлари, бирга ишлашган сафдошлари, шогирдлари ва оила аъзолари таклиф этилганлигини айтди. Ғ. Мавлонов, О. Акромхўжаев, Т. Шоёқубов ва Ф. Абдуллаеваларнинг Ҳабиб Муҳамедович ҳақидаги хотиралари мароқ билан тингланди ва ҳаммада катта таассурот қолдирди.

Кечада А. Қаҳҳор номидаги маданият уйининг Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова раҳбарлигидаги этнографик халқ ансамбли концерт қўйиб берди.

**Р. ИБРОҲИМОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси сейсмология институти профессори.**

## Телетайп лентасидан

**ВАРШАВА.** Польша Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий ташкилотлари билан бевосита алоқаларни чуқурлаштиришдан, интеграция механизмларини, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг структуралари ва органларини қайта қуришдан ғоят манфаатдордир. ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг навбатдаги мажлиси тўғрисида бу ерда эълон қилинган ахборотда шу фикр таъкидланади. Сиёсий бюро ЎИЁК га аъзо бўлган мамлакатлар қардош партиялари Марказий Комитетлари секретарларининг Софияда бўлиб ўтган кенгаши тўғрисидаги ахборот билан танишиб, ПХР ҳамкорликнинг планли принципларини иқтисодий воситаларнинг ролини тубдан ошириш билан бирга қўшиб олиб борадиган янги интеграция механизмларини вужудга келтиришга интилаверади, деб таъкидлади.

* * *

**БЕРЛИН.** ГДР Министрлар Советининг раиси Вилли Штоф билан ПХР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, ПХР Министрлар Совети ҳузуридаги планлаштириш комиссиясининг раиси Манфред Горивода бу ерда чоршанба куни бўлиб ўтган суҳбат чоғида ГДР билан Польша ва уларнинг халқлари ўртасидаги қардошларча муносабатлар айниқса экономика соҳасида муваффақиятли ривожланаётганидан мамнуният изҳор этишди. ГДР билан ПХР ўртасида фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли программасини аниқ мақсадни кўзлаб амалга ошириш иккала қардош мамлакатнинг муносабатларига хос хусусият бўлиб қолганлиги таъкидланди.

Ҳозирги замоннинг асосий вазифаси — тинчликни сақлаб қолиш ва қуролсизланиш вазифасини ҳал этишда Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг олисни кўзловчи таклифларини амалга оширишда иккала мамлакатнинг самарали ва амалий куч-ғайратлари ҳақида томонлар бир-бирларига ахборот бердилар. Иккала мамлакат халқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш социализмнинг дунёдаги позицияларини янада мустаҳкамлаш ва тинчликсеварлик сиёсатининг таъсирчанлигини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

* * *

**НЬЮ-ЙОРК.** «Бу йил ядро қуролини реал қисқартиришнинг яхши истиқболи биринчи бор кўриниб турибди», — деди Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари БМТнинг фаолияти тўғрисида чоршанба куни эълон қилинган йиллик докладда. «Ўртача олислик ядровий ракеталарини тугатиш ҳақида СССР билан АҚШнинг бир битимга келиши реал аҳамиятга эга бўлур эди, — деб таъкидлагач Перес Де Куэльяр, — бундай битим Шарқ билан Ғарб ўртасидаги бошқа музокараларда, шу жумладан стратегик қуролларга оид музокараларда силжишга кўмаклашиши мумкин», деб айтди. Бу битимни жамики ядро қуролини тугатиш йўлидаги биринчи қадам деб ҳам ҳисоблаш мумкин, энг катта ядродор давлатлар шу мақсадни принципиал равишда қўллаб-қувватлашларини яна билдирдилар, деб уқтирди БМТ Бош секретари.

